



ОНА ЗАМИН МЕХРГА МУШТОХ

ЖАММИЯТ

№ 17 (987)
2026 йил
21 май,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

АЖРИМ

СОЯСИДА

ҚОЛАЁТГАН БОЛАЛАР



ҚУРИЛИШ

ҚИРИЛИШСIZ

БИТМАЙДИ...МИ?



ОНА ЗАМИН МЕҲРГА МУШТОҚ

Ер – табиий ресурслар таркибида жамият учун жуда катта аҳамиятга эга эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ер ва тупроқ ресурслари энг асосий табиий бойликлар ҳисобланиб, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш мамлакат қишлоқ хўжалиги олдида турган устувор вазифалардан биридир.

Бугунги кунда сайёрамизда юзага келган вазият, биринчи навбатда, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши, иқлим ўзгаришлари, қурғоқчилик ва саҳроланиш жараёнларининг давом этаётганлиги ва кучаяётганлиги, бевосита тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Бу муаммони барча давлатларнинг биргаликда ҳаракати натижасида ҳал этиш мумкин.

Ерлар деградацияси Марказий Осиё мамлакатлари дуч келаётган энг жиддий экологик муаммолардан бири ҳисобланади. Минтақадаги тупроқлар асосан чорва молларини керагидан ортиқ боқилиши, ўрмонларнинг кесилиши, шўрланиш ва эрозия туфайли бузилмоқда. Бу ҳолат минтақанинг озик-овқат хавфсизлиги, биохилма-хиллиги ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Марказий Осиё минтақаси тупроқларидаги юзага келган муаммоларни биргаликда ҳал этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон банки мутахассислари фикрига кўра, 2050 йилга бориб, минтақада қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги 20-40 фоизга пасайиши мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси тупроқларида саҳроланиш, сув ва шамол эрозияси, дегумификация ва шўрланиш каби деградация жараёнлари кузатилмоқда. Жумладан, мамлакат суғориладиган ерларининг 1,94 млн. га (45%) иккиламичи шўрланиш жараёнларига, 800 мингга (18,6%) суғориладиган ерлар ирригацион эрозияга ва 2,15 млн. га (65%) экин майдони шамол эрозиясига учраган.

Масалан, Оролбўйи худудида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари жами 766 минг гектар суғориладиган ерларининг 91,4 фоизи турли

даражада шўрланган. Шу билан бирга, минтақамизнинг энг катта фожиаси бўлган Орол денгизининг қуриши, нафақат Марказий Осиё давлатларининг, балки бутун дунё давлатларининг долзарб экологик муаммосига айланган. Қуриган денгиз тубидан ҳар йили кўтарилаётган 140 млн. тоннага яқин туз Норвегия, Гренландия ва ҳатто Антарктидада ҳам учрамоқда.

Ўзбекистон Республикасида тупроқ муҳофазаси ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасида изчил давлат сиёсати олиб борилмоқда. Мамлакатимизда 2020-2025 йиллар мобайнида тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш, тупроқларда содир бўлаётган салбий жараёнлар олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш соҳасида 50 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон, қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган.

Ушбу йўналишда Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти томонидан ҳам бир қатор илмий-амалий лойиҳалар ҳамда амалий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, 2020 йилда республика шароитида илк бор тупроқ тадқиқотларни тез ва сифатли ўтказиш, жойнинг ўзида натижалар олиш имконини берувчи, тупроқнинг кимёвий таркиби бўйича бирламчи тезкор ва сифатли маълумотларга эга бўлиш мақсадида жаҳон андозаларига мос келадиغان «Тупроқ клиникаси» мобил лабораториялари ташкил этилди. Ушбу мобил лаборатория республикамизда фаолият юритаётган агрокластер, фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар учун тезкор равишда ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини, агрокимёвий хосса-хусусиятларини аниқлаш ва

зарур агротехник тадбирларни қўллаш имконини беради.

АҚШ, Япония, Канада, Европа давлатлари, Хитой ва бошқа кўплаб ривожланган мамлакатларда тупроқ сифатини комплекс баҳолашнинг замонавий услуби сифатида фойдаланилаётган тупроқ сифати индекслари кўрсаткичлари Ўзбекистонда ҳам фойдаланиш жорий этилди. Республикаимиз шароитида тупроқ сифати индекслари кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда тупроқ сифатини баҳолаш бўйича дастлабки ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон шароитида биринчи мартаба шўрланган тупроқларни кимёвий мелиорацияси тизимида янги усул – «Биосолвент» полимер композицияси ёрдамида ювиш киритилди. Шунингдек, ушбу жараёнларни ўрганишга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш юзасидан «Шўрланган тупроқ» мобил иловаси ишлаб чиқилди ва ундан кенг миқёсда фойдаланилмоқда.

«Тупроққа турли хил минерал ўғитларни бир вақтнинг ўзида қўллаш билан бирга култивация қилиш универсал култиватори» чизмаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан патент олинди. Бу минерал ўғитларни автоматик равишда экинларга индивидуал (персонал) геофазовий-смарт ўғитлаш тизимини амалга ошириш ва янги турдаги агрегат авлодини яратилиш имкониятини берган, пировард натижада дала контурининг озиқа элементлари билан тенглигини таъминлайди ва тупроқларнинг экологик ифлосланишини олдини олишга ҳамда ердан фойдаланувчиларни иқтисодини тежашга хизмат қилади.

Институтнинг дунёнинг етакчи олий таълим ва илмий марказлари билан халқаро ҳамкорлиги янада ривожланиб, АҚШ, Германия, Нидерландия, Япония, Жанубий Корея, Россия Федерацияси, Беларус Республикаси, Қозоғистон, Тожикистон, Озарбайжон каби давлатлар тупроқшунослар олимлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилиб, ушбу мамлакатларда тупроқшунослик

соҳаларида эришилган ютуқларни республика тупроқларига кенг жорий қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда тупроқ ресурсларини муҳофаза қилиш, уларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш борасида изчил давлат сиёсати олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар тупроқларда кечаётган деградация жараёнларининг салбий оқибатларини камайтириш ва аграр соҳада барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти томонидан амалга оширилган илмий-амалий тадқиқотлар мамлакатимиз тупроқларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, замонавий технологияларни жорий этиш ва тупроқ унумдорлигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Шу билан бирга институтнинг минтақавий бўлинмалари фаолияти жойларда илмий-тадқиқот натижаларининг амалиётга кенг татбиқ этилишига хизмат қилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтининг сўнгги йиллардаги фаолияти мамлакатимизда тупроқ ресурсларини муҳофаза қилиш ва унумдорлигини ошириш соҳасида мустаҳкам илмий-амалий базани яратди. Умуман олганда, Институт олимлари томонидан олинган илмий натижалар, яратилган инновацион агротехнологиялар ва ишланмалар, соҳани рақамлаштириш, соҳага халқаро стандартлар ва замонавий ахборот технологияларини жорий этилиши аграр соҳанинг барқарор ривожланиши, мамлакат озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва тупроқ деградациясининг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шухрат БОБОМУРОДОВ,
биология фанлари доктори,
профессор.






ХИХ АСР

СОАТЛАРИ

ҚАЕРГА ҒОЙИБ БЎЛДИ?

Тошкентда янги очилган “АгТера” санъат галереясининг остонасидан хатлаб, унинг оппоқ ва кенг залларига кирар экансиз, нигоҳингиз беихтиёр марказдаги ғайритабиий манзарага тушади.



Оёқларингиз остида – қалин ва мустаҳкам шиша ортида бир неча қаватли бинонинг чуқурлигига тенг бўлган, қоронғу ва сирли бир бўшлиқ очилади. 12 метрлик бу «чуқур» пойтахтимизнинг унутилган вақт маромини ўзида сақлаб келган тарихий нуқтадир.

Галерея бўйлаб сайр қилар эканман, айнан шу чуқурлик қаршида узоқ тўхтаб қолдим. Санъат асарлари қуршовида турган бу археологик кашфиёт кишида ўнлаб саволларни уйғотади: Нега у айнан шу ерда? Нега шунчалик чуқур? Ва энг асосийси – ўша машҳур XIX аср соатлари ҳозир қаерда?

Изланишларимиз шуни кўрса-

тадики, бу бино XIX аср охирида қурилган Тошкент обсерваториясининг энг муҳим қисми – «Вақт хизмати» лабораторияси бўлган. 12 метрлик чуқурлик шурф эса ўша даврнинг энг аниқ механик соатлари учун махсус «шафта» вазифасини ўтаган.

Гап шундаки, ўша пайтдаги мураккаб соат механизмлари оғир тошлар – гириялар ёрдамида ишлаган. Соат бир ҳафта ёки бир ой давомида тўхтамай юриши учун бу оғир тошлар секин-аста 12 метр чуқурликка қараб тушиб борган. Бундан

ташқари, бундай чуқурликда ҳарорат йил бўйи бир хил сақланган, бу эса металллар кенгайиши ёки қисқаришининг олдини олиб, вақтнинг ўта аниқ (сониягача) кўрсатилишини таъминлаган.

Олинган аниқ маълумотларга кўра, ушбу тарихий ашёлар ҳозирда Астрономия институти қошидаги Астрономия музейида сақланмоқда. Музей мутахассислари бу ноёб экспонатларни реставрация қилиш ва уларни илмий жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бормоқдалар. Гарчи соатлар ҳозир галерея марказида

бўлмаса-да, улар қолдирган чуқурлик – Тошкентнинг илмий салоҳияти ва тарихий илдизлари қанчалик чуқур эканлигидан далолат бериб турибди.

“АгТера” галереясига ташриф буюрсангиз, девордаги суратлардан нигоҳингизни бир лаҳза узиб, ўша 12 метрлик зим-зиё бўшлиққа боқинг. У ерда нафақат XIX аср муҳандислигини, балки Тошкентнинг тўхтаб қолган вақтини кўрасиз. Бугун у ерда соатлар йўқ, лекин вақтнинг акс-садоси ҳамон ўша деворлар орасида яшамокда.

Хулқар ПЎЛАТОВА,
ЎзЖОКУ талабаси

ҚУРИЛИШ

ҚИРИЛИШСИЗ

БИТМАЙДИ...МИ?

Бугун қайси ҳудудга борманг, қурилиш кетаётганига гувоҳ бўласиз. Янги уйлар, савдо марказлари, офислар, кўприклар ва турар жой мажмуалари қад ростламоқда. Бир қарашда бу — таракқиёт белгиси.

Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор: бу қурилишлар экологияга қандай таъсир қилмоқда?

Сўнгги йилларда, айниқса, Тошкент шаҳрида ҳаво сифати билан боғлиқ муаммолар кўпайди. Экологларнинг фикрича, бунга автомобиллар билан бир қаторда, тартибсиз ва назоратсиз қурилиш ишлари ҳам сабаб бўлмоқда. Қурилиш майдонларидан кўтарилаётган цемент чанги, кум ва чиқиндилар ҳавони ифлослантиряпти. Энг ачинарлиси, айрим объектларда чангни камайтириш учун сув сепиш ёки химоя тўсиқларидан фойдаланиш талаблари ҳам тўлиқ бажарилмайди.

Расмий маълумотларга кўра, сўнгги беш йилда Ўзбекистонда қурилиш ишлари ҳажми сезиларли ошган. Айниқса, пойтахтда кўп қаватли уйлар сони кескин кўпайди. Бунинг натижасида яшил ҳудудлар қисқариб, дарахт кесиш ҳолатлари ҳам жамоатчилик эътиборига тушмоқда. Ижтимоий тармоқларда қурилиш сабаб кесилган дарахтлар ёки бузилган яшил ҳудудлар акс этган видеолар тез-тез тарқалмоқда.

Аслида, ҳар бир дарахт шаҳарнинг “табиий филтри” ҳисобланади. Бир туп катта дарахт йилига ўнлаб килограмм чангни ушлаб қолиши айтилади. Аммо айрим қурилиш лойиҳаларида экологик мувозанат эмас, фақат иктисодий ман-

фаат устувор бўлиб қолмоқда.

Яна бир муаммо — ноқонуний қурилишлар. Баъзи ҳолатларда қурилиш ишлари экологик экспертизасиз ёки аҳолининг фикри инобатга олинмасдан бошланади. Ваҳоланки, қонунчиликка кўра, атроф-муҳитга таъсир қилиши мумкин бўлган объектлар мажбурий экологик экспертизадан ўтиши керак.

Мутахассисларнинг айтишича, қурилишнинг экологияга таъсири фақат бугунги кун билан чекланмайди. Масалан, ногўғри жойлашган бино шамоллатиш тизимини бузади, транспорт оқимини кўпайтиради, натижада ҳавонинг ифлосланиши ортади. Бу эса инсон саломатлигига таъсир қилади. Айниқса, болалар ва кексаларда нафас йўллари билан боғлиқ касалликлар кўпайиши мумкин.

Дунёнинг ривожланган давлат-

ларида аллақачон “яшил қурилиш” тамойиллари кенг қўлланмоқда. Яъни бинолар экологик хавфсиз материаллардан қурилади, энергия тежамкор технологиялар ишлатилади ва яшил ҳудудларни сақлашга алоҳида эътибор берилади. Бизда ҳам бу масалага жиддий қараш вақти келди.

Чунки замонавий шаҳар фақат осмонўпар бинолар билан эмас, балки тоза ҳаво, дарахтлар ва соғлом экологик муҳит билан ҳам кадрланади. Таракқиёт табиат ҳисобига бўлмаслиги, дарахтларнинг қирилишига олиб келмаслиги керак. Акс ҳолда, бугун қураётган шаҳарларимиз эртага яшаш учун ноқулай ҳудудга айланиши мумкин.

Нодира ОБИДОВА,
ТДЮУ талабаси



АЖРИМ

СОЯСИДА

ҚОЛАЁТГАН БОЛАЛАР

Оила — жамиятнинг энг нозик ва энг муқаддас, шу билан бирга мустаҳкам пойдеворидир. Шу боисдан ҳам бизда азалдан оилани муқаддас бир кўрғон сифатида эъзозлаганлар. Унинг мустаҳкамлигини таъминлаш оила катталарининг қолаверса, маҳалланинг олдидаги муҳим вазифа бўлган.

Лекин афсуски, бугун ана шу муқаддас ва мустаҳкам кўрғон деб аталмиш оиланинг устунларига путур етаётгандек. Арзимаган сабаблар боис гулдек оилаларнинг ажрим ёқасига келиб қолаётгани ачинарли ҳол. Зеро, менинг бир кунлик ўрганишларим давомида кўрган ҳақиқатларим дилимни жуда ранжитди. Тўғриси, мен оила аъзоларининг ота-оналик бурчи, эр-хотинлик масъулиятини, фарзандлар олдидаги мажбуриятларини унутаятганлари боис ажрим соясида қолаётган норасида болаларга ачиндим.

Мен ўрганган бир хонадонда 4 нафар фарзанд бор экан. Ажрим ёқасидаги ушбу оилада ота-онанинг ҳар бири ўзича ҳақ. Эрининг топган пулини ҳавога совурган аёл, 20 йиллик турмуш давомида бошпана қилишга улгурмаган ота ва ҳоказо... Лекин ҳеч ким болаларнинг “биз ким билан қоламиз?”, “биз нима айб қилдик?” деган саволларига жавоб беролмайди. Бу ерда энг ачинарлиси оилада 4 нафар боланинг борлиги. Бу Оллоҳнинг энг катта инояти аслида. Бугун орамизда 10-15 йиллик турмуши давомида фарзанд тирноғига зор бўлиб, лекин бир-бирини қўллаб, меҳр билан яшаётган оилалар қанча. Ваҳоланки, оналик меҳрини ҳис қилиш учун битта бола асраб олиш учун рўйхатда турган минглаб оилалар бор. Ачинарлиси, 4 нафар гулдек фарзандлари бўла туриб ажралишни истаётган эр-хотиннинг ҳаракатларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Иккинчи оилада эса сабаб — ташқи таъсир ва мустақил қарорнинг йўқлиги. Аёл жуда меҳнатқаш, оила учун қурашаётган сабр-бардошли инсон. Лекин эр хиёнаткор. Эр-хотин ўртасида айланаётган гап-сўзлар, аралашувлар аллақачон оиланинг парокандалигига сабаб бўлган. Бу ерда болалар бор, лекин оилада “ота-она” деган ягона тушунча йўқ.

Учинчи оилада икки нафар фарзанд бор. Бу ерда ажримнинг сабаби келиннинг ўйламай қилган хатоси, телефон орқали бошқа бир инсон билан суҳбатлашгани. Эр ва қайнона уни хиёнаткор деб баҳолаган.

Оилаларни яраштиришдаги бир кунлик ўрганишларим афсуски, менинг қалбимда оғриқли из қолдирди. Ачинганим шуки, ажралишни истаётган эр-хотинлар эмас балки, ажримлар соясида қолиб қалби ўқсиётган, ширин болалиги ўғирланаётган 11 нафар болаларнинг тақдири бўлди.

Доно халқимиз бежиз айтмаган: “Бир оила бузилса — арши аёло ларзага келади”. Бу шунчаки гап эмас, бу ҳаёт ҳақиқати.

Оилани мустаҳкамлаш учун аввало унинг устунлари бақувват бўлиши лозим. Янги оилани барпо этаётган катталар, ота- оналар оила қураётган йигит ва қизнинг қарашлари, маънавияти, фикрлаши бир-бирига мосми, зарурат туғилганда бир-бирини қўллаб оладими, қийинчиликларни бирга енга оладими, деган саволлар ҳақида ўйлашлари керак. Зеро, ҳаёт бир текисда кетмайди-ку. Бу саволларга жавоб аслида тўйдан аввал топилиши даркор. Ушбу масалага ҳаттоки буюк бобокалонимиз Амир Темур жуда жиддий ёндашган. Бу борада Соҳибқирон шундай дейди: “Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина, эл-юртга катта тўй-томоша бериб, тўй туширдим”.

Хўш, бугун бизда-чи? Афсуски, бугунги оғриқли ҳақиқат шуки, бизда янги мустаҳкам оила барпо этишга эмас балки, дабдабали тўй қилишга шошиладилар. Аксарият оила катталари топарман-гутарман, обрўли жой билан куда - анда бўлишни ўйлашади. Қолаверса, фарзандини бировдан кам қилмай сарпо-суруғини зўр қилишни, машхур санъаткорларни тўйга айтишни, нуфузли тўйхоналарда базми ташкил этишни биринчи ўринга қўяди. Қариндош-уруғлар билан ўтадиган

тўй маслаҳатида бир кунлик тўй муҳокама қилинади, холос. Лекин ҳеч ким икки ёшнинг келгусида оилани қандай мустаҳкам сақлаши, уларга қандай ёрдам кераклиги ҳақида ўйламайдилар.

Тўй ҳам ўтди дейлик. Ана энди қайнона бўлмиш оилага янги келган келинни парвариш қилиш, янги муҳитга меҳр билан мослаштириш ўрнига унинг ишларидан камчилик қидира бошлайди. Келин ҳам бир ниҳол мисоли. Янги ниҳолни ҳам ерга қадаганда яхшилаб парвариш қилинсагина илдизи мустаҳкам дарахтга айланади. Акс ҳолда секин эсган шамол ҳам уни қулатади. Оиладаги қайнона ҳам қачонлардир келин бўлган. Ўзи босиб ўтган йўлни, ҳаёт тажрибаларини янги келинга тушунтирса, меҳр берса, келин ҳам янги муҳитга тезроқ қўникади, мослашади. Келин оилага келдими — уни бегона эмас, ўз қизидек қабул қилиш керак. Қайнона фақат талаб қилувчи эмас, ўргатувчи, йўл кўрсатувчи бўлиши зарур. “Сен бундайсан, сен ундайсан” деб турткилаш эмас, “кел, бирга ўрганамиз” деб қўлидан ушлаш жоиз.

Нимагадир ажрим ёқасидаги оилаларда келинни, аёлни айбдор қилиш ҳолатлари кўп учрайди. Бу эса жуда нотўғри. Аёл она, аёл турмуш ўртоғи, аёл келин. Унинг вазифалари кўп оилада. Энг муҳими оилалар давомчиси бўлмиш фарзандни дунёга келтирадиган, наслни давом эттирадиган зот. Шунинг ўзи унинг қанчалик буюк ва сабрли эканини кўрсатади. Демак, уни тушуниш, камчиликларини кечириб, энг муҳими — қўллаб-қувватлаш даркор. Аёлни айблаш осон. Лекин унинг ёнида туриш, далда бериш — мана шу ҳақиқий инсонийлик барча қайнона ва оила аъзоларига ҳам хос эмас.

Оила муқаддаслигининг яна бир жиҳати шундаки эр-хотин ўртасида, оилада сирлар бўлади. Уни бошқалар билиши шарт эмас. Афсуски, ажримлардаги айрим ҳолатларда бир ёстикқа бош қўйган эр-хотинлар ана шу муқаддас сирларниям бегоналар олдида ошкор қиладилар. Улар ярашгандан сўнг юзлардаги пардаларни узиб айтилган шунча гаплар унутилармикан. Муносабатлар яна аввалгидек бўлармикан. Лекин айрим аёллар оиламни асрайман, ундаги гапларни кўчага чиқарсам турмуш ўртоғимнинг ҳурмати йўқолади деб тазйик, ҳақоратлар остида яшаса-да сабр қилади. Ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг аксарияти ана шундай тарзда ҳаёт кечирган

аёлларга тўғри келмоқда. Аёл мажбур эмас ўз ҳаётини уни бахтли қилишга кодир бўлмаган эркак учун фидо қилишга...

Яна бир оғриқли нукталардан бири — оилага учинчи шахснинг аралашуви. Бу ўтга ёғ сепиш кабидир. Бир томондан гап, иккинчи томондан гап — орада эса ёшлар изтиробини. Оила — икки инсоннинг ҳаёти. Уни барбод қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. У опа-ми, сингил ёки ака, ука ё бошқа яқин қариндош...

Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратиш лозим деб, ўйлайман. Аксарият ҳолларда оилани мустаҳкамлашда фақат кизлар билан, келинлар билан иш олиб борилади. Нимагадир иккинчи томон эркак кишининг бу борадаги масъулиятига унчалик эътибор қаратилмайди. Қизларга қисман бўлса-да мактабда ёки уйда оилага тайёрлаш бўйича тушунтиришлар берилади. Лекин йигитларни оилага тайёрлаш масаласи кун тартибидан эмас. Бу борада сусткашлик устувор. Ушбу масалага бугун ёшлар ишлари масъуллари жиддий ёндашишлари лозим. Йигитларни оила қуришга тайёрлаш, эрлик, кейинчалик оталик масъулияти қандай бўлиши лозимлиги ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, оилада оталар бу борада намуна бўлиши керак. Уйдаги ўғил фарзандлар отасининг турмуш ўртоғига, қизларига қилаётган муомаласини кўриб улғаяди. Улар эртага отага ўхшаган турмуш ўртоғи бўлади. Чунки “қуш уясида кўрганини қилади”, деган нақл бор халқимизда. Эркак киши оиланинг бош устунини. Қайсики, хонадонда эркакнинг ғурури баланд, масъулияти астойдил бўлса, оила бекаси аёл бахтли яшайди, оилада катта бўлаётган кизлар ҳам ор-номусли, саранжом-сарипталик, илмли бўлиб етишади.

Шуни таъкидлаш жоизки, оила, эр-хотинлик муносабатлари динимизда ҳам муқаддас ришга ҳисобланади. Бу риштани боғлаш, оила барпо қилишда катта мақсадлар кўзланган. Шу сабабдан ҳар иккала тарафга ҳам ўзига яраша масъулиятлар, бурчлар, вазифалар юклатилган. Эркакнинг ўз аёли олдида моддий ва маънавий бурчлари бор. Оила қурилгач, аёлига, фарзандларига илм бериш, уларга яхши муносабатда бўлиш, тинч-тотув, осойишта ҳаётини таъминлаш эркакнинг маънавий бурчи ҳисобланади.

Гавҳар АЛИМОВА,
Каттақўрғон шаҳар ҳокими



Кечкурун уйга қайтган эр бугун поликлиникага бориб келган ой-куни яқин хотинидан врач нима тавсия берганини сўради.

– Бу гал Баҳриндаги туғруқхонага борсангиз бўлади деб айтди духтур, – деди аёл бироз ишончсизлик билан.

– Баҳриндаги балнисани ахволи маълумку, ўтган сафаргидек охирида яна Самарқандга бориб юрмайлик, – зарда қилди эр.



АВВАЛГИЛАРГА

– Билмадим, ҳозир у ерда янги поликлиника, роддом қурилибди, яхши УЗИ аппарати бор экан, эртага ўша аппаратга тушиб келинг, деди опа. Вақтингиз бўлса, бирга борсак, туғруқхонани ҳам кўриб келардик, – деди Севинч.

...Эр-хотин янги поликлиника ва туғруқхонага бориб келгач, орадан ҳафта-ўн кун ўтиб иккинчи фарзандлари шу ерда дунёга келди.

Ургут тумани Баҳрин маҳалласидаги 21-оилавий поликлиника ва туғруқ бўлимига кирганингизда сизда шундай тасаввур уйғонарди. Каттагина ҳовли ўртасидаги пасткам бино, ўтган аср етмишинчи йилларида қурилган. Деворлар қайта-қайта оҳакланверганидан қават-қават бўлиб кетганини кўпорилиб тушган жойлари “айтиб” турибди. Айрим жойлар захлаб кетганидан сарғайиб қолган. Эски бинонинг деразалари қачондир алюмин ромларга алмаштирилган, лекин ичкаридаги экишлар бино қурилганида ўрнатилган ва ўтган йиллар давомида қайта-қайта рангланверганидан “семириб” яхши ёпилмайдиган бўлиб қолган. Ичкарига киришингиз билан зах ҳид дори-дармон ҳиди билан кўшилиб, димоғингизга ёқимсиз, аччиқ бўй урилади. Узун коридор қоронғу, пол ёғоч ёки махсус копланмалардан эмас, оддий бетон плита терилган. Жиҳозлар ҳам бинога мос, алмисокдан қолган эски, синик, қийшайиб кетган. Беморлар ётган каравотлар гичир-гичири соғ одамнинг ҳам асабини бузадиган даражада.

Хуллас, Ургут тумани марказидан 25 километр олисдаги, асосан тоғли ҳудуддаги 16 та қишлоқнинг 13 мингдан ортиқ аҳолисига бирламчи тиббий хизмат кўрсатадиган, 10 дан ортиқ маҳалланинг аёллари келадиган туғруқхонанинг ахволи яқин вақтгача шундай эди. Аниқроғи, ўтган йил декабрь ойида Президент Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева мазкур муассасага келиб, ҳолатни ўргангач, бу манзарани ўзгартириш зарурлигини таъкидлади. Зарур чора-тадбирлар белгиланди, аҳолига замон талабларига мос тиббий хизмат кўрсатиш учун янги бино қуриш керак, деган қарорга келинди.

Бинони ёгин-сочинли кунлар ўтгандан кейин, баҳорга чиқиб, курамыз, деган қарашлардан воз кечилди. Поликлиника, туғруқ бўлими ва тез тиббий ёрдам хизмати учун замонавий тиббий муассаса лойиҳаси ишлаб чиқилди, киш пайтидаёқ қурилиш ишлари бошланди. Янги бино замонавий қурилиш материаллари асосида, енгил конструкциядан барпо этиладиган бўлди.

Баҳринда кишининг изғин кунларида бошланган ва апрель ойида якунланган янги тиббий муассаса қурилиш ишлари ана шундай ташбехга мос келади. Тўрт ой ичида муассаса ҳудудида нанки аҳолига сифатли бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш учун, балки



ЎХШАМАС...

тиббийёт ходимларининг ҳам муносиб шароитда ишлаши учун барча қулайлик ва имкониятларга эга, ҳар томонлама кўркем бино қурилди. Бино билан бирга маҳалла ҳам обод бўлди. Кўчаларга асфальт ётқизилди, пиёдалар йўлаклари ташкил этилди, тунги ёритиш чироклари ўрнатилди, гул-гулзорлар пайдо бўлди. Баҳрин шаҳарча қиёфасига кирди.

– Қисқа вақтда бу ерда олиб борилган ишлар, ўзгаришларни сўз билан таърифлаб бўлмайди, – дейди Ургут тумани Баҳрин маҳалласидаги 21-оилавий поликлиник мудири Сардор Лукмонов. – Ҳудуд аҳолиси ҳаммасини кўриб турибди, кечаги кун қандай бўлгани ва бугунги манзара ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини яхши билишади. Аввалари одамларни чақириб ҳам поликлиникача келтиролмасдик, ҳозир ўзлари келиб, оилавий врачларидан маслаҳат олишяпти, кўриқлардан ўтишмоқда. Эски бинодан янгисига ҳеч нарса, ҳеч бир жиҳоз олиб ўтилмади, фақат тиббийёт ходимлари ўтди. Мебель дейсизми, тиббий асбоб-ускуналар – ҳаммаси янгиланди. Эски поликлиникадан фақат хотиралар қолди. Лекин ҳозирча бино ҳам сақлаб турилибди, бориб кўришингиз мумкин. Ана шунда аввал қандай шароитда ишлаганимиз ва ҳозир қандай имкониятларга эга бўлганимизни кўришингиз мумкин. Биз буни суратларга олиб қўйдик. Чунки кечаги кунни унутмаслигимиз, бугунги кунларнинг кадрига етиб ишлашимиз керак.

Поликлиника 13 минг аҳолига хизмат кўрсатиши белгиланган бўлса-да бу ерда тўртта оилавий тиббий бригадани ташқари тор соҳа мутахассислари – УТТ шифокори, педиатр, акушер-гинеколог, рентгенолог фаолият кўрсатиши туфайли яқин атрофдаги 5 та биринчи тип оилавий поликлиниканинг 15 мингдан ортиқ аҳолиси ҳам зарурат туғилганда шу ерга келиб, кўриқдан ўтади.

– 100 қатновга мўлжалланган поликлиникамизда 30 та хона бор ва 40 дан ортиқ ходимларимиз фаолият кўр-

майди. Ишимиз эрталаб соат 8.00 дан кеч 16.00 га қадар иш шу тарзда давом этади. Соат 16.00 дан 20.00 гача ва дам олиш кунларида поликлиникада навбатчилар бўлади.

Одатда, тиббийёт муассасаларида эрталаб узундан узоқ навбатлар кузатилади ва куннинг иккинчи ярмида мурожаат қилувчилар жуда кам бўлади. Янги поликлиникада эса тушликдан кейин ҳам текширувлардан ўтиш ёки муолажа олиш учун келганлар кўплигини кузатдик.

– Очиғи, илгари тузалишдан кўра, касал бўлиб қоладигандек поликлиникага келишни истамасдик, – дейди Баҳрин маҳалласида яшовчи Шахло Маматқулова. – Бу ернинг шароити, жудаям эски аппаратлари шундай тасаввур қолдирганмиди, ишончимиз



сагиши учун зарур шароит яратилган, – дея сўзида давом этади С.Лукмонов. – 10 ўринли кундузги стационар, физиотерапия хоналари, 30 дан ортиқ таҳлилни амалга ошириш имкониятига эга марказлашган лабораториямиз бор. Янги доплер ультратовуш текшируви аппарати, рентген берилди, лаборатория сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Поликлиника фаолияти тўлиқ рақамлаштирилиб, DMED тизимига уланган. Ҳеч қандай тиббий карта, қоғозда рецепт ёзиб бериш, деган гаплар йўқ. Навбат ҳам, аҳоли тўғрисидаги тиббий маълумотлар ва ташхис, йўлланма ва рецепт ҳам шу платформа орқали амалга оширилади. Тўртта тиббий бригадамиз учун 8 та хона ажратилган. Муассасага келган шахс электрон навбат асосида аввал амалиётчи ҳамширага учрашади. Ҳамшира уни қабул қилиб, мурожаатини эшитади, дастлабки текширув ва таҳлилларни бажаради, сўнгра зарурат бўлса, ёнидаги хонага – оилавий шифокорга йўналтиради. Врач беморни текширувдан ўтказиб, тавсиялар беради. Агар тор соҳа мутахассислари кўриги зарур бўлса, уларга юборади. Бу жараёнлар ҳаммаси рақамли кўришда амалга оширилади. Шунинг учун поликлиникада узоқ навбат, беморларнинг кутиб қолиши кузатил-

йўқ эди. Энди эса кўркем бино, жуда қулай шароит туфайли зарурат бўлганда кундузимиз, кечасими шу ерга келяпмиз. Ўзим ҳам шифокор тавсияси билан икки кундан буён физиотерапия муолажаси оляпман. Бундай шифохоналар ва имкониятни шу пайтгача фақат телевизорда кўрардик, шаҳарларда бўлади, деб ҳавас қилардик. Мана энди қишлоғимизда шаҳардагидек қулайлик бор.

Ҳа, дарвоқе, мақола аввалида ёзганимиз қайнарбулоқлик Севинч Жуманазарова ҳам иккинчи фарзандини янги туғруқ бўлимида кўлига олди.

– Биринчи фарзандимни дунёга келтириш учун қанчалик қийналиб Самарқанд шаҳридаги 4-туғруқхонага борганимни яхши эсламан, – дейди Севинч Жуманазарова. – Ўшанда эски шифохонага келганимизда врачлар ҳолатимни кўриб, “биз қабул қила олмаймиз, тезда шаҳарга олиб боришга мажбур бўлгандик. Қишлоғимиз яқинида шундай чиройли туғруқхона қурилганидан хурсандимиз, энди ҳудуддаги аёллар сарсон бўлиб, узоққа бориб юрмайди. Янги шифохона қурувчилари ва бу ишнинг бошида турган раҳбарларимизга минг раҳмат!

МУВВОЗНАНАТ

– Бозордан у-бу нарса харид қилиб, энди қайтмоқчи бўлиб тургандим, – дейди суҳбатдошим Ахмад фермер, – ёнимга ёшгина ўспирин келиб, “илон оласизми, амаки?” деб сўради. Тўғриси, сесканиб кетдим. Йигитча ахволимни кўриб кулди ва “кўркманг, мана у”, деб шиша идишдаги илонни кўрсатди.

– Қанча туради бу жонивор? – дедим ўзимни кўлга олиб.

– Сизга бир ярим миллион, яна савдолашасиз-да...

– Шунча пулга бозордан этлигина кўзи олса бўлади, ошна.

– Кеча Россияга кетаётган бир аёл иккита “кўки”га иккитасини олиб кетди, – деди “ошна”м бўш келмай.

– Бўлса бордир, аммо менга илон керакмас.

– Ихтиёрингиз...

Шу пайт ўспириннинг ёнига қора кўзойнак таққан одам келиб сўз қотди:

– Хўш, сотиб бўлдингми?

– Биттаси қолди, ака...

– Тезлаштир, яна “товар” келади, – деди-да машинаси томон кетди. Мен эса бозордан чиқар эканман, ҳадемай калтакесак, қурбақа, юмронқозиқ, чаёнлар ҳам сотилмаса гўрга эди, деб ўйладим...

Содиқ муаллимнинг мазаси қочиб, дўхтирлар уни уйига қайтарибди, деган хабарни эшитган Анора момонинг тинчи йўқолди. Охири бўлмади. Уйи бурчагидаги сандиқдан кичкина тугунни олди. Ундаги майдаланган кукунни бир пиёла сув билан қуюқлашгунча қайнатиб, банка идишга солгач, дастурхонига иккита нон ўраб, беморни сўрагани жўнади.

Каравотда ётган муаллим Анора момони зўрға таниди. Қорини кўрсатиб, оғриқдан шикоят қилди. Момо олиб келган дорисидан бир қошиқни амаллаб муаллимга ичирди. Дорини ичган беморнинг афти буришиб, қайт қилмоқчи бўлди, аммо қусолмади.

Анора момо уй бекасига қараб:

– Ана энди, худо хоҳласа, эринг отдай бўлиб кетади, – деди.

– Айтганингиз келсин, моможон. Неча кундан бери бир пиёла сув ичсалар ҳам қайтариб ётган эдилар.

– Кўркма, энди қусмайди. Мен икки кун шу ерда бўламан, ҳали яна дори ичираман.

Эртаси куни Анора момонинг кўнгли таскин топди. Чунки муаллимнинг юзига қизиллик югурган, тинчгина ором оларди.

Орадан бир ой ўтиб, соғайиб кетган Содиқ муаллим Анора момоникига совға-салом билан келиб, миннатдорчилик билдирди. Қайтар чоғида эса ийманиб сўради:

– Эна, менга ичирган дорингизни нимадан тайёрлаган эдингиз?

Момо кулди:

– Кўлвор илоннинг пўстидан, айланай. Буни раҳматли чолим биларди, мен фақат дорини асраб қўйгандим...

Жума бобо гурунларда ўзининг болалиги ҳақида кўп гапирди.

– Ўшанда ўн уч яшар эдим, – дейди у. – Бир куни сабзи сотгани Қорабоғнинг бозорига бордим. Сабзини сотиб бўлиб, онам тайинлаган нарсаларни харид қилиш учун бозор айландим. Бир пайт одамлар давра қуриб турган жойга чиқиб қолибман. Майдонда кўриниши ҳиндуга ўхшаш, саллалли, соқол-мўйлов қўйган одам ўтириб олиб сурнай чалар, ёнида эса баҳайбат кўзойнакли илон куйга монанд охиста рақсга тушарди. Томоша анча давом этди. Оломон морбознинг белбоғига пул ташлади. Мен ҳам қатордан қолмадим.

Уйга қайтар эканман, ўзимнинг ҳам илон ўйнатувчи бўлгим келди. Кела солиб қамишдан қўлбола хуштак ясадим, лекин ҳиндуникидай нағмали чалолмадим. Ҳар қалай овоз чиқадиган бўлди. Энди илон тутишим қолганди.

Бир куни қўшнимизнинг аёли чинқираб чошиб келди. Эмишки, чақалоғи ётган бешиқда илон бормиш. Югуриб борсам, гўдак бешиқда, ширингина уйкуда, кўксида эса каттакон илон кулча бўлиб ётарди. Дарров илоннинг боши ва думидан тутиб ташқарига олиб чиқдимда, чакки халтага солдим. Ўзимни морбозликда синаб кўриш учун зўр имконият туғилганди.

Чўнтагимдан хуштакни олиб чалдим ва бир кўлим билан халта оғзини аста очдим. Илон хуштак товушига парво ҳам қилмай ўтлар орасига қочиб кетди. Мендан морбоз чиқмади. Аммо қаерда илон кўрсам, албатта тутиб олиб кейин қўйиб юборардим. Чунки мулла Иброҳим бобонинг: “Сизга озор бермаганга, сиз ҳам тегманг, илон ҳам Яратганнинг бир мўъжизаси” дегани гапи ёдимга тушарди-да...

– Илонлар фойдали жонзот, – дейди зоология фани ўқитувчиси Нормўмин Шодиев. – Юртимизда илонларнинг ўнлаб турлари бор. Илонларнинг аксарияти тухум қўйиш орқали кўпаяди. Аммо тирик туғадиган илонлар ҳам бор. Қалқонтумшук, қора, чарх, кўлвор, капча илонлар ўта заҳарли. Қадимдан уларнинг зардобидан тиббиётда фойдаланиб келинапти. Илонларни йўқ қилиш ва сотиш оғир оқибатларга олиб келади.

Бундан айниқса, дехқонлар, боғбонлар, ғаллакорлар кўп азият чекиши мумкин. Чунки илонлар кемирувчилар билан озикланади. Хуллас, она табиатдаги барча мавжудотнинг ўз ўрни, аҳамияти бор. Оламнинг эса тош-тарозиси, қонунияти мавжуд. Бу мувозанатдир!

Ўролбой ҚОБИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси





СУВ МУАММОСИ БУТУН ДУНЁДА МАВЖУД ВА УНИНГ ТОЗАЛИГИ ҲАММАМИЗГА БОҒЛИҚ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумоти бўйича ҳозирги пайтда 100 мингдан кўпроқ турли кимёвий бирикмалар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг 15 мингдан ортиғи инсон учун зарарли ҳисобланади. Инфекцион касалликларнинг 80 фоиздан ортиғи ичимлик сув сифатининг пастлиги ҳамда сув таъминотида санитар-гигиеник қоидаларнинг бузилишлари билан боғлиқ. Дунёдаги 6 миллиарддан ортиқ кишиларнинг 4,0 миллиардга яқини ифлосланган сув истеъмол қилмоқда ва бунинг оқибатида касалланганлар сони мутахассислар маълумотига кўра 2 миллиарддан ошади.

БМТ маълумотлари бўйича кишининг нормал ҳаёт кечириши учун бир суткада 50 литр сув керак бўлади. Суғоришга ва бошқа эҳтиёжлар учун ривожланган давлатларда бир кишига бир кунда ўртача 3 литр сув сарфланмоқда. Қуруқ иқлим минтақасидаги ривожланаётган мамлакатларда 1,1 миллиард киши бир кунда атига 5 литр сув ишлатмоқда. Европа давлатларида бу рақам 200, АКШда 400 литрни ташкил қилади. Қуруқ иқлимли давлатларда сув танқислиги катта иқтисодий қийинчилик билан бирга аҳоли саломатлиги билан боғлиқ бўлган социал муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Сувнинг ифлосланиши туфайли ошқозон-ичак, буйрак, жигар ва қонда турли аллергия касалликлар кўпайиб бормоқда. Сув орқали адено-вирус инфекциялар, амёбиаз, лямблиозлар ва турли хил гельминтлар инсон организмга ўтади. Ич терлама, дизентерия, паратифлар, сальмонеллезлар, холера, гепатит А, полиомелитлар кўпаяди.

Сувда у ёки бу кимёвий элемент-

лар, бирикмаларнинг меъёрдан ортиқ бўлиши уларнинг аста-секин тўпланиб боришига унинг таркибидаги эриган тузлар ёки бошқа моддалар организмда мавжуд тузлар ўртасидаги мувозанатни бузади ва ошқозон-ичакдаги биокимёвий реакцияларни тезлаштиради ёки секинлаштиради.

Сув таркибидаги оғир металлларнинг кўп ёки кам бўлишини назорат қилиш ҳам жуда муҳим. Мутахассисларнинг аниқлашича сувда маргимушнинг кўп бўлиши ўпкани зарарлайди, симоб-хотиранинг пасайишига, асаб, буйрак хасталигига, кўрғошин қон айланишига салбий таъсир қилиб, жигар хасталигига, хром ўпка ракига, ошқозон-ичакда ўсмалар ҳосил бўлишига олиб келади.

Зарафшон дарёси юқориси – Тожикистон худудида жойлашган Анзоб тоғ-металлургия комбинатидан Самарқанд воҳасига ҳар йили 100 тоннага яқин сурма оқиб келади. Сурма билан унга йўлдош маргумуш, кўрғошин, рух, симоб ва бошқа оғир металллар воҳа ерларида тўпланиб бормоқда.

Зарафшон дарёси водийсида 4 млн. дан ортиқ аҳоли яшайди, уларнинг соғлиги, иқтисодиёти, келажаги ушбу дарё суви, унинг тозаллиги билан боғлиқ. Ҳозирги пайтда сувнинг тозаллиги Самарқанд шаҳри яқинига қадар сақланиб қолган бўлса, бу масофадан кейин дарё сувининг ифлосланиш даражаси ошиб бормоқда. Бунинг асосий сабаблари – Самарқанд, Каттақўрғон, Навоий шаҳарларидан катта миқдордаги ифлосланган сувлар ва экин даладаридан чиққан оқова сувларнинг дарёга қўшилиб кетаётганлигидандир. Ҳозирги пайтда Бухоро ва Қорақўл воҳаларида, Навоий вилоятидаги Маликчўлда нафақат дарё сувини, балки ерости сувларининг грунт даражаси ҳам юқори. Истеъмол учун одатда 1 литр сувда 0,5-0,6 грамм туз бўлиши лозим. Ҳозирги пайтда ишлаб турган Дамхўжа, Навоий, Бухоро сув қувири

орқали Навоий ва Бухоро вилоятларининг бир қисм аҳолиси ичимлик суви билан таъминланмоқда. Асосий аҳоли эса шўр ёки аралаштирилган сувларни истеъмол қилишга мажбур. Шу сабабли ҳам сув сифати билан боғлиқ бўлган касалликлар бу икки вилоятда Самарқанд аҳолисига нисбатан уч, баъзан тўрт-беш баравар кўп. Бу маълумотлар республика статистик бошқармаси маълумотлари таҳлили асосида аниқланди.

Келажақда Зарафшон ва бошқа йирик дарёлар водийларида аҳоли сонининг янада ошиши билан ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиши янада кучаяди. Шу сабабли ҳам яқин йилларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолади. Тоза ичимлик сувлар табиати тоза бўлган, тоғ, тоғолди текисликларида шаклланади. Бу ўта тоза сувлар келажақда республика аҳолисини истеъмол сувига бўлган эҳтиёжини қондирадиган ўта ноёб ресурс сифатида муҳофаза қилиниши ва тежаб-тергаб фойдаланилиши лозим. Шу билан бирга шаҳарлардан, даладардан чиқарилаётган ифлосланган сувларни тозалаш бўйича энг илғор технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш, бу борадаги муаммони ҳал этишда ўз самарасини беради.

**Ирода ОРИФЖОНОВА,
Самарқанд давлат педагогика
институтининг ўқитувчиси**

МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Қамолитдин ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-510
Адади: 2505
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6





«УЗУМ»НИНГ

УЗУН ҚЎЛЛАРИ

Бир неча йил муқаддам пойтахтда “Узум” кўптармоқли технологик компанияси ташкил этилиб, буюртма асосида аҳолига намунали хизмат кўрсата бошлаганидан хурсанд бўлган эдик. Қулайлиги шунда эдики, унинг рўйхатида мавжуд бўлган нарсани сони ва қийматидан қатъий назар бугун буюрсангиз эртага олардингиз.

Агар, буюртмангиз нуқсонли чиқиб қолса, узр сўраб қайтиб олишар ва кейинги кунни янгисини келтириб беришарди. Бундай ташвишсиз илтифот тез орада “Узум”ни элга танитди. Шубҳасизки, унга бўлган ишонч ҳам ортди. Бу эса унинг савдо тармоқларини кўпайтириб боришни тақозо этди. Бугунга келиб, компания кенг қулоқ ёзди. Хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам кўпайди. Ҳатто, “Узум” банки юзага келди. Хўш, хизмат кўрсатишчи? Талабга қараб, тақомиллашдимми ёки...

Яхши биласизки, гўдак аввал эмаклайди. Бир ёшга етар-етмас бировнинг ёрдами билан аста-аста қадам ташлай бошлайди. Ўзи мустақил юра бошлагач, тўғри келган томонга йўрғалайди. “Узум” ҳам худди шундай йўлни босиб ўтди. Илк йилдаги хизмат кўрсатиш маданияти тубдан ўзгарди. Бугун унинг қайси дўконига кирманг, савдо маданияти у ёқда турсин, оддий инсоний муомаласи ҳам ўзига яраша бўлган ўзи-ўзига хон, қўланкаси майдон “ишчан” йигитни кўрасиз. Айтиш жоизки, кейинги пайтда компания 20 минг сўмдан кам миқдорда нарса оладиган бўлсангиз, буюртмангизни қабул қилмасди. Кейинроқ яна бир янгилик жорий этилди. “Узум” картаси билан маҳсулот оладиган бўлсангиз, бир-икки минг сўм арзонроқ, бошқа карта билан олсангиз бироз қимматга тушасиз. Аввалгидек, олган нарсангиз сифатсиз бўлса, энди уни дўкон қайтиб олмайди. Масалан, номи ва нархи бир хил бўлган кир ювиш воситалари ҳиди ва сифати турлича бўлади. Уларнинг ичида ҳиди жуда ёқимсиз ҳам бор. Сиз берган буюртмага биноан олиб келинган маҳсулот худди шунақа чиқиб қолса, қуйдим деяверинг. Чунки уни бошқасига алмаштириш имкони йўқ. Энди асосий мақсадга — нарх-наво масаласига ўтайлик. Қўл ювиш учун ишлатиладиган “BRAVO” номли бир

литрлик суюқлик бошқа дўконларда ўн уч минг сўмдан сотилаётган бир пайтда “узумчи” лар уни қирқ минг сўмдан пуллашмоқда. Шундай маҳсулотнинг яна бири — “SEV” деб аталади. Ҳажми олти юз мл. грамм. Бошқа дўконлардаги баҳоси 13.000 сўм. “Узум” да эса ҳозиргина узилган энг зўр хусайни узумдек 99.000 сўм қилиб белгиланган. Худди шу номдаги бир юз эллик граммлик қўл ювиш совунининг баҳоси ҳам 99.000 сўм. Нархи 17.800 сўм бўлган гилам тозалаш воситаси учун харидор киссасидан куппа-кундуз кунни 120.000 сўм суғуриб олинмоқда. “NEWCOSS” деб аталмиш 750 мл.граммлик қувур тозалогич нархи 18.000 сўм. Бу маҳсулотни “Урикзор”даги дўконларнинг биттасида кўрдик, холос. Бир донаси 40.000 сўм. Энди буёғини эшитинг: Туркиядан чиққан “YUMOS” кир юмшатиш воситаси барча дўконларда 60-70 минг сўмдан сотилаётганда “узум”чилар кўзларини чирт юмиб, бу матоҳнинг нархини 500.000 сўм деб турганига нима дейсиз? Истеъдодни намоиш этиш шунчалик бўлар-да. Бундай мисолларни “Узум”нинг қўли узунлари ишидан яна кўплаб келтириш мумкин. Бугун уларнинг қўллари 500.000 рақамига етибдими, эртага 1.000.000га етмаслигига ким кафолат беради? Келтирилган мисоллар осмондан олиб ёзилгани йўқ. Улар “Узум”нинг каталогига ҳам манаман деб турибди. Яна бир қизиқ томони шундаки, бу маҳсулотлар Япониядан эмас, ўзимизнинг Янгийўл ва Зангиота туманларидан чиқаяпти. Ишлаб чиқарувчилар билан боғланиб сўрадик: “Нега маҳсулотларингиз Тошкент шаҳри дўконларида йўқ?” Жавоб: “Бизнинг маҳсулотларимизни “Узум” ва “Ўрикзор” савдо мажмуасининг барча дўконларидан харид қилишингиз мумкин. Лекин, маҳсулотларимизнинг асосий қисми четга чиқарилмоқда”. Бу ўз халқимизни шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳисобига бўлса, нур устига нур бўлур эди. Афсуски, савдо-сотик тизими аллақачон назоратдан чиқиб кетган, бу ишга мутасадди ҳисобланган ташкилотлар эса ўз тирикчилиги билан банд. Шу боис “Узум”га ўхшаган ўндан тўққизни урушни касб қилганларнинг пичоғи мой устида. Қизик, айтиб ўтилган ишлаб чиқарувчилар нега кўра-била туриб айнан “Узум” билан ҳамкорлик қилмоқда? Бу “бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур” деган мақолни ёдга солмайдими?!

Давлатимиз раҳбари халқимизни сифатли ва арзон маҳсулот билан таъминлаш борасида мунтазам бонг уриб, коррупцияга қарши кескин чоралар кўраётган бир пайтда босар-тусарини билмай қолган “Узум”нинг тайёрига айёр бўлиб, фирибгарликни авж олдираётганлиги нарх-навонинг тепасида турганларни ташвишга солмаётганлигига ҳайронмиз.

Шоҳжаҳон НУРИДДИНОВ,
Владислав СИНЁВ,
Айзада КЕНГЕСБАЕВА,
Ўзбекистон журналистика
ва оммавий коммуникациялар
университети талабалари